ЭРКИН АЪЗАМ ҚИССАЛАРИДА АСОСИЙ СЮЖЕТ ВАЗИЯТЛАРИ

М.Шералиева

Мақолада ёзувчи Эркин Аъзам қиссаларидаги асосий сюжет вазиятлари тадқиқ этилган. Уларнинг конфликтни юзага келтириш, сюжетни ривожлантириш ва ечимга олиб келишдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *сюжет, сюжет вазияти, қисса, конфликт, тугун, ечим.*

В статье исследованы основные сюжетные ситуации в повестях Эркина Агзама. Проанализировано их значение в развитии конфликта и развертывании сюжета.

Ключевые слова: *сюжет, сюжетная ситуация, повесть, конфликт, завязка, развязка.*

The article analyzes the main situations of the plot of the essays of Erkin A'zam. It describes their role in the development of the plot and the settlement of conflicts .

Key words: *plot, plot situation, conflict, settlement,*

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Шайтончалар кўчаси”, “Отойининг туғилган йили”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Шоирнинг тўйи”, “Гули гули” қиссаларидаги сюжет вазиятлари таҳлили муаллиф бадиий нияти ижросидаги сюжетнинг аҳамиятини кўрсатишга ёрдам беради.

Сюжет вазияти, *воқеа*, *коллизия* сюжетнинг асосий бирликлари саналади. Мазкур бирликларнинг ўзаро чамбарчас алоқаси ёзувчининг сюжет қуриш борасидаги маҳоратини намойиш этиши билан бирга айни бирликларнинг муаллиф бадиий нияти ижросидаги аҳамиятини ҳам кўрсатади.

Назарий адабиётларда сюжет вазиятининг умумий ва хусусий кўринишлари фарқланади. *Хусусий вазият* асар давомида бир ёки бир неча эпизоддаги коллизия ва воқеанинг юзага келишига асос бўлади; бутун асар давомида персонажлар ўртасидаги коллизия ҳамда коллизия натижасида юзага келадиган воқеаларнинг манбаси эса *умумий вазиятдир*.

Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” қиссаси сюжети худди Сервантеснинг “Дон Кихот” романидаги каби кумулятив схемада қурилган, яъни унда қисса бош қаҳрамони дуч келадиган алоҳида-алоҳида воқеалар ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам қиссадаги асосий сюжет вазиятини ажратиб кўрсатиш қийин. Воқеаларни келтириб чиқараётган конфликт ҳам бош қаҳрамон ва бир-бирига бевосита алоқаси бўлмаган бир неча персонаж ўртасида рўй беради. Табиийки, конфликтни юзага келтирган вазият ҳам қаҳрамон тўқнаш келадиган персонажларга боғлиқ ҳолда

навбатма-навбат алмашиниб туради. Бундай вазиятлар қисса давомида қаҳрамоннинг тоғаси, севгилиси Матлуба, Матлубанинг дугонаси ялтироқ Акбарова, кўчадаги безори йигитлар, француз тили ўқитувчиси Дилора Жўраевна, адабиёт тарихи ўқитувчиси Аҳмадхонов билан муносабатда юзага келади. Асар сюжетининг кумулятив схемасига мувофиқ равишда ҳар бир вазият алоҳида конфликт ва тугунга, воқеанинг ички ривожи ва ечимига эга. Аксарият ҳолларда қаҳрамон “ғалаба қозонади”, баъзан эса маънан ғалаба билан кифояланишга тўғри келади (Матлубанинг турмушга чиқиб кетиши, кўчадаги безорилар билан муштлашув ва б).

Қисса сюжетининг кумулятив хусусияти асар бошланишидаёқ ҳикоячи томонидан ўз-ўзига тавсиф шаклида урғулаб ўтилган: “Беш боласини ҳам қўшиб хотинини уйдан ҳайдаган тоғасига:

– Энди бир дурбин топинг, бўйинга осасиз-да. ўтган-кетган қиз-жувонни томоша қили-иб юрасиз, – дея бетамизлик билан ақл ўргатса;

“Зарнинг зўри”ни уқтиришга уринган севгилисига:

– Денгиз чиғаноғининг ярасини... тўрт юз сўмга сотиб олиш – мешчанлик-ку! – деб такаллуф дарчасини тақа-тақ ёпса:

Лекцияни нима учун ёзиб олмаётганини сўраган домласига:

– Дарсликда бор гапларни кўчириб ўтиришга одатланмаганман, – деб саркашлик қилса...

Ким бўлди бу?” [4.119].

Барча сюжет вазиятларида юзага келадиган конфликт бош қаҳрамоннинг ўзига хос характер хусусияти билан изоҳланади: “Ана шундай, ҳамма мени *отасини ҳам танимайдиган шарттаки, беандиша,* дейди. Бу гапда қанчалик жон бор ёлғиз худога аён. Лекин шуниси аниқки, нима ҳақда бўлмасин, кимга, қайси шароитда эканидан қатъи назар, *доимо кўнглимдаги гапнинг индаллосини айтиб қўя қолишга ошиқаман*. Дастлабки танишувдаёқ *суҳбатдошимнинг юзига “кўзгу” тутаман марҳамат қилиб асл башарасини кўрсин*! Шу одатим туфайли неча бор каллам ғурра бўлди, неча неча марта панду пушаймон едим” [4.119]. Ушбу парча қисса қаҳрамони ва бошқа персонажлар ўртасидаги коллизияни юзага келтирган сюжет вазиятида бош қаҳрамон характери асосий роль ўйнаётганини урғулайди.

“Отойининг туғилган йили” қиссасида, қаерда ва қайси шароитда эканидан қатъи назар, қаҳрамоннинг иштироки коллизияни юзага келтираверади: қишлоқда беш боласига қўшиб хотинини ҳам уйдан ҳайдаган тоғасига “кўзгу” тутади; дастлаб ўқишга келган йили кириш имтиҳонидаёқ ўқитувчи билан “ади-бади айтишиб” ғашига тегади, натижада ўқитувчи “мана сенга – олти!” дея баҳони босиб”, қоғозини қўлига тутқазди; сўнг армияда ҳам тинч юрмайди (“Уч йилнинг қанча муддатини қандай ўтказдим – ўзимга, ёлғиз ўзимга аён. Гоҳ мичманга гап қайтариб жазога йўлиқаман, гоҳ яна бир бало”). Ушбу тафсилотлар ҳикоячи томонидан қаҳрамон характерини тавсифловчи далиллар сифатида бериладики, бу орқали китобхонни сюжетнинг асосий воқеаларини – институтдаги ўқишининг учинчи йилида Асқар Шодибеков йўлиққан саргузаштларни қабул қилишга йўналтиради. Қаҳрамон иштироки туфайли юзага келадиган *сюжет вазияти*, унинг натижасида пайдо бўлган *коллизия* ҳамда коллизия туфайли ҳаракатга келувчи *сюжет воқеалари*нинг шу тарзда бош қаҳрамон характери билан ўзаро чамбарчас алоқаси таъминланади.

Сюжет вазияти ўз хусусиятига кўра, ҳали коллизиянинг ва у орқали воқеа-ҳодисанинг юзага келмагани билан характерланади. Шунингдек, иштирокчилар томонидан у ёки бу томонга ўзгартирилишини хоҳлаш вазият бағридаги коллизия имконидан дарак беради. Айни хусусияти назарда тутилса, “Отойининг туғилган йили” қиссасида сюжет вазиятининг фақат бош қаҳрамон томонидан белгиланиши ҳақидаги фикр бирёқлама бўлиб қолади. Сиртдан қараганда, коллизия ташаббуси бош қаҳрамонга тегишли бўлса-да, моҳиятан коллизиянинг юзага келишида унинг ҳар икки қутбидаги персонажлар иштироки тенг қимматга эга. Юқоридаги парчада бош қаҳрамонга қарама-қарши қутбдагиларнинг коллизияни юзага келтиришдаги “ҳиссаси” ҳам таъкидлаб кўрсатилади: тоға беш боласига қўшиб хотинини ҳам уйдан ҳайдаган; қаҳрамоннинг севгилиси “зарнинг зўри”дан бошқасини тан олмайди; ўқитувчи эса дарсликда бор гапларни лекция қилиб беради. Ушбу ҳолатларнинг бош қаҳрамон томонидан улар каби меъёр сифатида қабул қилинмаслиги коллизияни ва у орқали муқаррар тўқнашувни – воқеа-ҳодисани юзага келтиради.

Адибнинг “Жавоб” қиссаси, “Отойининг туғилган йили” қиссасидан фарқли равишда, концентрик, марказга интилувчи сюжет асосига қурилган. Сюжетнинг “марказлаштирувчи” типи ўз навбатида асосан иккита сюжет вазиятинигина қўллашга олиб келган: биринчи вазиятни қисса қаҳрамони Элчиев ва дўкондор йигитлар юзага келтиради; иккинчи вазият Элчиевнинг катакланишига атрофдагиларнинг муносабати туфайли шаклланади. Кўринадики, “Отойининг туғилган йили”дан фарқ қилароқ, “Жавоб”да берилган атиги иккитагина сюжет вазияти ҳам бир- бирига сабаб-оқибат

муносабати билан чамбарчас боғланган. Бу эса муаллифнинг сюжет қуриш борасида бир қадам илгарилаганидан дарак беради. Шунингдек, “Жавоб” ва “Отойининг туғилган йили” қиссаларида сюжет вазияти юзага келтирадиган конфликт ҳам фарқланади. “Жавоб”да ягона конфликт асар бошидан охиригача сақланади, асар бошланишида қўйилган тугун қисса охирига келиб қаҳрамоннинг изтиробли ўй-кечинмалари якунида ечимга келади.

Қиссада концентрик сюжет етакчилик қилгани ҳолда, сюжет вазияти қаҳрамоннинг бошқа персонажлар билан муносабатидаги кичик-кичик коллизияларга ҳам йўл очади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Элчиевнинг дўсти Ҳайдар Самадович, ўғли Камолиддин билан бўлган зиддиятларини айтиш мумкин. Айни пайтда ушбу кичик конфликтларни сюжетнинг асосий вазияти туфайли содир бўлган воқеаларга – дўкондор йигитлар билан тўқнашувга боғлаб тушуниш керак бўладики, юқорида айтганимиздек, муаллиф бу орқали сюжет воқеаларини ягона марказга томон интилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” ва “Жавоб” қиссаларидаги сюжет муаллиф бадиий нияти ижросини таъминлаш нуқтаи назаридан кумулятив ва концентрик схемаларга асосланган. Сюжетнинг ҳар икки схемаси сюжет вазиятларининг танланишига, конфликтнинг ривожи ва ечимга келишига таъсир кўрсатган.

Адабиётлар:

1. Поэтика. Словарь актуальных терминов и понятий. (гл. науч. ред. Н.Д.Тамарченко. М., Издательство Кулагиной Intrada. – 2008. – 358 с.
2. Теория литературы. В двух томах. Том 2. Бройтман С.Н. Историческая поэтика. – Издательский центр «Академия», 2004. – 368 с.
3. Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. – М., 1997.
4. Аъзам Э. Отойининг туғилган йили. / Аъзам Э. Жавоб. – Т., 1986.- 272 б.
5. Аъзам Э. Жавоб. – Т., 1986. – 272 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 9 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)